



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **24** yil « **27** » **dekabr**

№ **897**

Toshkent sh.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда “ижтимоий карта” tizimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 18 июлдаги ПҚ–267-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 18 июлдаги ПҚ–267-сон қарорига асосан 2024 йил 1 декабрдан бошлаб аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари босқичма-босқич “Ижтимоий карта” ахборот тизимидан (кейинги ўринларда – “Ижтимоий карта” АТ) фойдаланган ҳолда ижтимоий карта орқали тақдим этилиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан “Oxinus Holding Limited” (Бирлашган Араб Амирликлари) компанияси (кейинги ўринларда – Ҳамкор) билан “Ижтимоий карта” ахборот тизimini ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, саноат эксплуатациясига тушириш ва такомиллаштириб бориш (кейинги ўринларда – Лойиҳа) тўғрисида белгиланган тартибда келишув тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

а) ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш молиявий агент вазифасини бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг резидент тижорат банклари (кейинги ўринларда – молиявий агент) томонидан амалга оширилади. Бунда:

барча фуқаролар учун дастлаб электрон ижтимоий карта муомалага чиқарилади ва фойдаланиш учун тақдим этилади;

банк картаси шаклидаги ижтимоий карта фуқароларнинг хоҳишига кўра муомалага чиқарилади ва фойдаланиш учун тақдим этилади;

б) ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича аризалар қуйидагилар орқали тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП);

“Ижтимоий карта” мобил иловаси (кейинги ўринларда – мобил илова);
“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) ҳамда алоҳида ҳолларда ижтимоий ходимлар;
молиявий агент;

в) ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш:

мазкур қарорга 1-иловада назарда тутилган шахслар учун **уч иш кун ичида** бепул амалга оширилади. Бунда ижтимоий карта унинг амал қилиш муддати тугамасидан олдин, шу жумладан, яроқсиз ҳолга келганда ёки йўқотилганда, пулли асосда алмаштирилади;

1-иловада назарда тутилмаган бошқа шахсларга ижтимоий картани берганлик учун банк хизматлари тўлови базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизидан ошмаслиги лозим;

электрон ижтимоий карта барча фуқароларга мобил илова орқали реал вақт режимида бепул асосда муомалага чиқарилади ва фойдаланиш учун тақдим этилади.

Мазкур қарорга 1-иловада назарда тутилган шахслар учун муомалага чиқарилган ва фойдаланиш учун тақдим этилган ижтимоий карта Агентлик томонидан белгиланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига ҳақ ундирилмаган ҳолда **ўн беш кун муддатда** етказиб берилади.

3. Ижтимоий картани самарали амалиётга татбиқ этиш ҳамда “Ижтимоий карта” АТ ва мобил илованинг лозим даражада ишлашини таъминлаш мақсадида:

а) **2025 йил 1 январдан** бошлаб “Ижтимоий карта” АТ ва мобил иловани техник қўллаб-қувватлаш ижтимоий карта бўйича тўлов хизматларини кўрсатувчи тўлов ташкилотининг туну-кун фаолият кўрсатадиган техник хизмати томонидан амалга оширилади.

Бунда Агентликнинг “1070” қисқа рақами орқали ижтимоий картага доир қабул қилинган мурожаатлар мазкур кичик бандда назарда тутилган техник хизматга йўналтириб борилади;

б) **2025 йил 1 февралдан** бошлаб:

ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш масалалари бўйича Агентликнинг ахборот-маълумотнома хизматларини кўрсатувчи “1070” қисқа рақамли ва туну-кун фаолият кўрсатадиган хизмати (кейинги ўринларда – “Ишонч телефони”) фаолияти тест режимида йўлга қўйилади;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари учун ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича “Ишонч телефони” орқали бепул СМС-хабарнома юбориш тартиби жорий этилади. Бунда юбориладиган СМС-хабарномалар ижтимоий ахборот ҳисобланади ва уларни юбориш билан боғлиқ харажатлар махсус тарифларда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

мобил илова ва СМС-хабарномалар доирасида фуқаролар билан уларнинг ижтимоий ҳимояга доир ҳуқуқларини амалга ошириш ва давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари юзасидан доимий ва манзилли мулоқот ўрнатилади;

в) **2025 йил 1 июлдан** бошлаб “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси доирасида мазкур қарорга 2-иловада назарда тутилган ҳужжатларнинг унификацияланган рақамли сервислари (кейинги ўринларда – рақамли сервис) жорий этилади. Бунда:

ЯИДХП ва мобил иловада ушбу рақамли сервислардан фойдаланиш имконияти яратилади ва улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий тартибда қабул қилинади;

рақамли сервисларнинг қоғоз нусхалари банкларда, нотариал идораларда, аэропортларда ички рейсларни рўйхатдан ўтказишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи поездларга чиқишда, давлат, корпоратив ва бошқа хизматларни кўрсатиш, шу жумладан, электрон хизмат кўрсатишда ҳамда фуқароларни қабул қилишда тегишли ҳужжатларни тақдим этишни талаб қиладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотларда талаб этилмайди;

г) **2025 йил якунига қадар** аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг банк ҳисобварақларига ўтказиладиган ижтимоий тўловлар, шунингдек, мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган имтиёзлар ва ижтимоий кафолатларга эга бўлган фуқаролар “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими билан интеграция қилинган ҳолда, электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб, “Ижтимоий карта” АТда ягона ҳисобот юритилади;

д) “Ижтимоий карта” АТ доирасида “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали фойдаланувчиларни идентификация қилиш хизматлари (OneID, E-imzo, MyID, Mobile-ID ва бошқалар) молиявий агент, лойиҳа офиси ва тўлов ташкилотига бепул кўрсатилади;

е) **2025 йил 1 октябрдан** бошлаб “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали фойдаланувчиларни идентификация қилиш тизими доирасида “Ижтимоий карта” АТнинг идентификация қилиш тизими жорий этилади.

Мазкур банднинг “в” кичик бандига мувофиқ фуқаролар ўз хоҳишига кўра керакли ҳужжатни қоғоз шаклида ёки мобил илова орқали рақамли шаклда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2025 йил 1 январдан** бошлаб янги тайинланган ижтимоий тўловлар ижтимоий карта орқали тўланганда, олувчининг илгари тайинланган бошқа ижтимоий тўловлари ҳам ижтимоий карта орқали тўлаб берилади;

б) 2025 йил 1 февралдан бошлаб:

Белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатга мувофиқ миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда – БХМ) ўттиз фоизидан ошмайдиган реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиш учун маблағлар ушбу воситаларга муҳтожлик белгиланган шахсларнинг ижтимоий картасига ўтказиб берилади;

Ижтимоий карта орқали тўланган нафақа, компенсация ва бошқа тўловлар (пенсиялар бундан мустасно) (кейинги ўринларда – ижтимоий тўлов) маблағларидан ижтимоий тўловларни олувчи оилаларнинг аъзолари, Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг аъзолари ҳамда охириги 12 ой давомида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилаларнинг аъзоларига спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари учун тўловни амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу маҳсулотлар учун тўловни қабул қилиш тақиқланади;

в) 2025 йил 1 апрелдан бошлаб ижтимоий карта транспорт картаси, шу жумладан, жамоат транспорти учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шаҳар йўналишлари бўйича тариф режаларидан фойдаланган ҳолда имтиёзли транспорт картаси вазифасини бажаради.

Бунда ижтимоий картанинг транспорт картаси ҳамда имтиёзли транспорт картаси вазифалари “Автоматлаштирилган тўлов тизими оператори” МЧЖ билан интеграция қилиш орқали амалга оширилади;

г) 2027 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий тўловлар фуқароларнинг фақатгина ижтимоий карталарига ўтказилади.

5. Белгилансинки:

Агентлик “Ижтимоий карта” АТни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, саноат эксплуатациясига тушириш ва такомиллаштириш бўйича давлат буюртмачиси ҳисобланади;

Лойиҳани амалга ошириш бўйича харажатлар лойиҳа-техник ҳужжатларига мувофиқ Ҳамкор томонидан белгиланган тартибда қопланади;

Агентлик ва Ҳамкор томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсис этиладиган масъулияти чекланган жамият Лойиҳани амалга ошириш бўйича давлат буюртмасининг ижрочиси (кейинги ўринларда – лойиҳа офиси) ҳисобланади;

мобил илова бепул асосда реал вақт режимида электрон шаклда юклаб олинади ва ўрнатилади.

6. Лойиҳа доирасида қуйидагиларга рухсат берилсин:

а) Агентликка:

2025 йил 1 июлга қадар “Инсон” марказлари операторлари учун Лойиҳа офиси томонидан ишлаб чиқилган техник талабларга мувофиқ махсус мобил қурилма (планшет)ларни харид қилиш;

ижтимоий тўловларни тўлашнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий карта тажриба-синов тариқасида жорий этилган ҳудудларда, заруратга кўра, фуқароларга ижтимоий тўловларни умумий тартибда тўлаш;

б) “Ўзбекистон темир йўллари” ва “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятларига мактаб ўқувчилари, талабалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерларга (нафақа олувчиларга) имтиёзли чипталарни сотишда “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотларни бепул олиш;

в) Лойиҳа офисига:

истисно тариқасида, лойиҳа-техник ҳужжатлар бўйича ижобий эксперт ҳулосаси олингунга қадар “Ижтимоий карта” АТни яратиш ва молиялаштириш;

тўлов хизматларини кўрсатувчи тўлов ташкилоти билан шартнома тузиш;

“Ижтимоий карта” АТ бўйича тренинглار ўтказиш ва консултиватив қўллаб-қувватлаш бўйича субпудрат шартномаларини тузиш;

Ўзбекистон Республикаси резиденти (юридик шахс) билан “Ижтимоий карта” АТни техник қўллаб-қувватлаш ва “Ижтимоий карта” АТнинг оператори функцияларини бажариш тўғрисида шартнома тузиш.

Белгилансинки, лойиҳа доирасида уни амалга ошириш учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди бўйича Лойиҳа офиси ягона етказиб берувчи ҳисобланади.

7. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий картаси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ижтимоий карталарни расмийлаштириш, муомалага чиқариш ва фойдаланиш;

ижтимоий карталарни алмаштириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш;

“Ижтимоий карта” АТнинг маълумотлар базасини юритиш.

8. Агентлик Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 июлга қадар “Ишонч телефони”ни мазкур қарорнинг 3-банди “а” кичик бандида назарда тутилган тўлов ташкилотининг техник қўллаб-қувватлаш хизмати билан интеграция қилинишини таъминласин.

9. Белгилансинки, ушбу қарорнинг 2, 3, 4 ва 7-бандлари:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Янгийўл туманларида мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан;

республиканинг бошқа ҳудудларида **2025 йил 1 июлдан** бошлаб кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “27” декабрдаги 897 -сон қарорига
1-илова

**Ижтимоий карта бепул муомалага чиқариладиган
ва фойдаланиш учун тақдим этиладиган шахслар тоифаларининг
РЎЙХАТИ**

1. Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар (шахслар)
2. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар
3. Кўп болали оилаларнинг аъзолари
4. Ногиронлиги бўлган шахслар
5. Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар бўлган ёлғиз яшовчи ва ёлғиз кексалар
6. Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар парвариши билан банд бўлган шахслар
7. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар
8. Васийлар (ҳомийлар), тутинган ота-оналар
9. Муомалага лаёқатсиз шахслар
10. Муомала лаёқати чекланган шахслар
11. Муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг қонуний вакиллари
12. Пенсияонерлар
13. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан стипендия тўланаётган талабалар
14. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан стипендия тўланаётган ўқувчилар (тингловчилар)
15. Шаҳар йўловчи транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Изоҳ. Мазкур рўйхатга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан, зарур ҳолларда, ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “27” декабрдаги 897 -сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари
портали ва “Ижтимоий карта” мобил иловасида жорий этиладиган
хужжатларнинг унификацияланган рақамли сервислари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси
3. Ҳайдовчилик гувоҳномаси
4. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома
5. Никоҳ қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома
6. Никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома
7. Транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома (техник паспорт, техник талон)
8. Пенсия (нафақа) гувоҳномаси
9. Фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси (ID-картаси)
10. Ногиронлик тўғрисида маълумотнома
11. Транспорт воситасининг мажбурий суғурта (фуқаролик жавобгарлиги) бўйича суғурта полиси
12. Олий, ўрта махсус, касб-хунар ва профессионал таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги расмий ҳужжат
13. Талабалик гувоҳномаси
14. Якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома
15. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома
16. Турар жой объектларининг кадастр паспорти
17. Жисмоний шахснинг шахсий автомототранспорт воситасини бошқа шахсларга бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “27” декабрдаги 897-сон қарорига
3-илова

“Ижтимоий карта” ахборот тизими орқали ҳисоби юритиладиган
имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар
РЎЙХАТИ

T/p	Имтиёз ва ижтимоий кафолат номи	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Маълумот алмашинуви бўйича масъул орган
I. Имтиёзлар			
1.	Шаҳар йўловчи транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш	Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ–278-I-сон Қонуни	Транспорт вазирлиги
2.	Кафолатланган давлат ижтимоий хизматлари	Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги ЎРҚ–415-сон Қонуни	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
3.	Протез-ортопедия буюмларини ва реабилитация техник воситаларини олишда кўмаклашиш	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ЎРҚ–641-сон Қонуни	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
4.	Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат муассасаларида кафолатланган тиббий, ижтимоий, касбий ҳамда жисмоний реабилитация ва абилитация қилиш	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ЎРҚ–641-сон Қонуни	

5.	Ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурлари ва махсус дастурлар доирасида имтиёзли шартлар асосида уй-жой ва имтиёзли ипотека кредити	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ЎРҚ–641-сон Қонуни	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
6.	Имтиёзли шартлар асосида ижтимоий уй-жой олиш		
7.	Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни дори воситалари билан бепул ёки имтиёзли таъминлаш	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ЎРҚ–641-сон Қонуни	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
8.	Ногиронлиги бўлган шахсларни тўловдан озод қилган ҳолда ёки имтиёзли шартлар асосида махсус ўқув қўлланмалари ва адабиётлар, шунингдек, сурдотаржимонлар хизматларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ЎРҚ–641-сон Қонуни	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
9.	Нодавлат таълим ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларни (болаларни) имтиёзли ўқитиш		
II. Ижтимоий кафолатлар			
10.	Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи	Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 16 июнда қабул қилинган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги ЎРҚ–848-сон Қонуни	Адлия вазирлиги
11.	Давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиши ҳуқуқи	Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ–265-I-сон Қонуни	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

12.	Бепул умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқи	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ–637-сон Қонуни	2020 йил “Таълим	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
13.	Профессинал таълим олиш ҳуқуқи			
14.	Маданий мерос объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи	Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ–269-II-сон Қонуни		Маданий мерос агентлиги
15.	Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар (шахслар)нинг инклюзив таълим олиш ҳуқуқи	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ–637-сон Қонуни	2020 йил “Таълим	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
16.	Давлат олий таълим ташкилотларида танлов асосида ўқиш ҳуқуқи	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ–637-сон Қонуни	2020 йил “Таълим	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “27” декабрдаги 897 -сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий картаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий картасини (кейинги ўринларда – Ижтимоий карта) муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш, алмаштириш, фойдаланиш, блоклаш ва тугатиш, шунингдек, “Ижтимоий карта” ахборот тизимининг маълумотлар базасини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчининг розилиги – ариза берувчининг давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларидан фойдаланиш учун мурожаат қилинган кундан эътиборан 12 ой давомида ҳамда тегишли давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларидан фойдаланиш тугалланган кундан бошлаб 12 ой давомида ҳар ойда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органига шахсий, банк, нотариал ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни қайта ишлаш учун берган рухсати;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаси – қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларига муҳтож деб топилган шахс (оила);

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги;

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги фойдаланувчининг шахсий кабинети (кейинги ўринларда – Шахсий кабинет) – лойиҳа-техник ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтган шахс томонидан мобил иловасиз Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда, мобил илова орқали тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш имконини берувчи веб-илова;

“Ижтимоий карта” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Тизим) – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органининг аппарат мажмуасида (серверларида) жойлаштирилган, маълумотлар базасини бошқаришни таъминловчи, ижтимоий карта функцияларини амалга ошириш ва бошқариш, шу жумладан, “Ижтимоий карта” мобил иловаси ва фойдаланувчининг шахсий кабинетини бошқаришга мўлжалланган ахборот тизими;

“Ижтимоий карта” мобил иловаси (кейинги ўринларда – мобил илова) – мобил қурилмаларда ишлайдиган ва телекоммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда масофадан узатиладиган ёки қабул қилинадиган электрон буюртмалар асосида реал вақт режимида комплекс хизматлардан масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи Тизимнинг махсус дастурий маҳсулоти;

ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари – ижтимоий тўловлар, ижтимоий хизматлар, ижтимоий ёрдамлар, имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар, шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий характердаги бошқа қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари;

лойиҳа – Тизим лойиҳа-техник ҳужжатларини тайёрлаш, яратиш ва шакллантириш, ишга тушириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

лойиҳа офиси – қонунчилик ҳужжатлари билан Тизимни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, саноат эксплуатациясига тушириш ва доимий такомиллаштириш, шунингдек, манфаатдор шахсларга, Тизим фойдаланувчиларига ва Лойиҳа ҳамкорларига техник, консультатив ва тренингларни ўтказишни қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалар юкланган юридик шахс;

маълумотлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги ПҚ–267-сон қарори билан тасдиқланган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимини “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси билан интеграция қилиш орқали маълумот алмашиладиган давлат маълумотлари тўпламлари рўйхатида назарда тутилган электрон, қоғоз ва (ёки) бошқа моддий ташувчиларда қайд этилган маълумотлар, шунингдек, ушбу маълумотларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган бошқа маълумотлар;

маълумотларни қайта ишлаш – маълумотларни тўплаш, қабул қилиш, шакллантириш, тизимлаштириш, фаоллаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатиш, узатиш ва йўқ қилиш бўйича бир ёки бир нечта ҳаракатларни амалга ошириш;

молиявий агент – техник талабларга жавоб берадиган ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларни бажарувчи, шу жумладан, ижтимоий карталарни эмиссия қилиш, уларга ижтимоий тўловларни ўтказадиган ва ижтимоий карта бўйича бошқа молиявий операцияларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банки;

tizimdan фойдаланувчи – давлат органи ёки ваколатли ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тегишли орган, ташкилотга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун Тизимдан фойдаланиш ваколати берилган ва тўлов ташкилотига белгиланган тартибда кириш ҳуқуқи берилган масъул ходим;

техник талаблар – лойиҳа офиси томонидан лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган, ҳар бир ҳамкорга ўз вазифа ва функцияларини бажариш учун тақдим этиладиган батафсил функционал хусусиятлар;

тўлов ташкилоти – банк ҳисобланмайдиган, тўлов хизматларини кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга ва лойиҳа офиси билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузган юридик шахс;

Тизим маълумотлар базаси (кейинги ўринларда – маълумотлар базаси) – ижтимоий ҳимоя рақамига асосан жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида шакллантирилган электрон маълумотлар мажмуасининг реестри;

электрон ижтимоий карта – реквизитлари фақат “Ижтимоий карта” мобил иловасида ва ундан фойдаланувчининг шахсий кабинетидида мавжуд бўлган ижтимоий картанинг электрон шаклдаги аналогиси;

электрон хабарнома – Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва (ёки) мобил алоқа орқали Тизим томонидан мобил қурилмаларга (SMS-хабарнома, PUSH хабарлар) ва (ёки) шахснинг электрон почта манзилига юбориладиган стандарт шаклдаги қисқа билдиришнома.

3. Ижтимоий карта банк картаси, транспорт картаси, ногиронлик тўғрисидаги гувоҳнома, талабалик гувоҳномаси, пенсия, ўқувчилик, уруш қатнашчиси, уруш қатнашчисига тенглаштирилган шахснинг гувоҳномаси вазифасини бажаради, шунингдек, шахсни аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг бир ёки бир нечта тоифасига мансублигини кўрсатади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни бажаради.

Ижтимоий карта, қоида тариқасида, электрон банк картаси шаклида бўлади ҳамда уни муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича аризаларда кўрсатилган тақдирда, банк картаси шаклида ҳам фойдаланишга киритилиши мумкин.

Банк картаси ва электрон банк картаси шаклидаги ижтимоий карта ушбу Низомга 1-иловада назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак.

4. Ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш ушбу Низомга 2-иловада назарда тутилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш ихтиёрий ва мажбурий тартибда амалга оширилади. Бунда:

а) қуйидаги ҳолларда ижтимоий карта мажбурий тартибда муомалага чиқарилади ва фойдаланиш учун тақдим этилади:

шахс қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаси деб топилганда;

агар шахс талаба, ўқувчи, уруш қатнашчиси ва уларга тенглаштирилган шахслар тоифасида киритилганда;

ижтимоий картанинг амал қилиш муддати тугаганда;

давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланувчи шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган санаси ўзгартирилганда;

ижтимоий картанинг электрон ахборот ташувчисига (чипга) киритилган ноаниқ маълумотлар, хатолик ёки техник нуқсонлар аниқланганда;

ижтимоий карта ёки электрон ахборот ташувчи (чип) яроқсиз ҳолга келганда;

ижтимоий карта йўқотиб қўйилганда;

б) мазкур банднинг “а” кичик бандида назарда тутилмаган бошқа ҳолларда – шахсларнинг, шунингдек бола туғилган кундан бошлаб унинг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари), бошқа қонуний вакиллариининг хоҳишига кўра ижтимоий карта ихтиёрий тартибда муомалага чиқарилади ва фойдаланиш учун тақдим этилади.

6. Ижтимоий карта у номига эмиссия қилинадиган шахснинг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг тоифаси ёки ижтимоий ҳолати бўйича тоифасига қараб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи томонидан белгиланадиган молиявий агент томонидан эмиссия қилинади. Бунда:

ижтимоий карта мажбурий тартибда номига эмиссия қилинадиган шахс аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик ёки ижтимоий ҳолати бўйича турли тоифаларга тўғри келса, биринчи маротаба белгиланган ижтимоий ҳимояга муҳтожлик тоифаси ёки ижтимоий ҳолат бўйича молиявий агент белгиланади;

ижтимоий карта ихтиёрий тартибда номига эмиссия қилинадиган шахсга хизмат кўрсатувчи молиявий агент ушбу шахснинг танлови асосида белгиланади.

Мазкур банднинг учинчи хатбошисига мувофиқ танланган молиявий агент ижтимоий карта ихтиёрий тартибда номига эмиссия қилинадиган шахсга ижтимоий картани қайта муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш, муддатини узайтириш ва бошқа ҳолатларда хизмат кўрсатади.

7. Ижтимоий карта Ўзбекистон Республикаси фуқароларига 5 йил муддатга фойдаланишга берилади.

Чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган фуқаролиги бўлмаган шахсларга ижтимоий карта уларнинг ID карталари ва миллий паспортларининг, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ID карталари амал қилиш муддатида ошмайдиган муддатга берилади.

8. Ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича қуйидагилар орқали мурожаат қилинади:

мобил илова орқали оммавий оферта шартномасини (кейинги ўринларда – оммавий оферта) қабул қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП);

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) ва мазкур Низомда назарда тутилган ҳолларда ижтимоий ходимлар; молиявий агент.

Мазкур бандга мувофиқ берилган мурожаатлар Тизимга йўналтирилади ва унда кўриб чиқилади.

9. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича мурожаатлари улар доимий рўйхатдан ўтган жойдаги “Инсон” маркази ёки молиявий агентга берилади.

10. “Инсон” маркази томонидан ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича мурожаатлар мурожаатчиларнинг доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтган манзилидан қатъи назар, экстерриториаллик тамойили асосида қабул қилинади.

2-боб. Ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш тартиби

11. Ижтимоий картани олмоқчи бўлган шахслар ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш ҳақида ариза билан мурожаат қилади.

Ариза шакли аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи томонидан тасдиқланади.

Бунда ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича аризалар:

муомалага лаёқатли шахслар томонидан бевосита ёки қонуний вакиллар орқали;

вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ҳамда муомала лаёқати чекланган шахслар учун эса уларнинг қонуний вакиллари орқали берилади.

12. Ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича аризани кўриб чиқишда қуйидаги маълумот ва ҳужжатлар Тизимда “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади:

вояга етмаганлар учун ота-она ёки васийнинг биометрик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари;

шахсга нисбатан васийлик (ҳомийлик) белгиланганлиги тўғрисидаги маълумот;

суднинг шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги қарори.

Мазкур бандда назарда тутилган маълумотлар ва ҳужжатларни “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар ариза берувчилардан талаб қилиниши мумкин.

13. Ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш ҳақидаги аризалар “Инсон” марказига борган ҳолда тақдим этилган тақдирда, “Инсон” маркази томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

махсус мобил қурилма орқали ариза берувчи ва (ёки) ижтимоий карта муомалага чиқарилиши ва фойдаланиш учун тақдим этилишини сўраётган шахс идентификация қилинади;

ариза берувчининг номидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи томонидан тасдиқланган шаклдаги ариза тўлдирилади ҳамда ариза берувчининг юзи рақамли форматда суратга олинади;

ариза берувчи томонидан Тизим орқали генерация қилинган оммавий оферта тасдиқланади ҳамда ариза берувчига оммавий оферта бир нусхаси чоп этилган ҳолда берилади;

оммавий оферта тасдиқланганидан сўнг “Инсон” маркази ходими томонидан тўлдирилган ариза ариза берувчи томонидан махсус мобил қурилма орқали имзоланади.

Мазкур бандга мувофиқ аризани шакллантириш ва оммавий офертани тасдиқлашда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ариза берувчининг розилиги олинади.

14. “Инсон” маркази томонидан ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилгач, аризани молиявий агентга юборишдан олдин қуйидагилар текширилади:

шахснинг ижтимоий карта бепул муомалага чиқариладиган ва фойдаланиш учун тақдим этиладиган шахслар тоифасига кириши;

ариза берувчи ва (ёки) ижтимоий карта муомалага чиқарилиши ва фойдаланиш учун тақдим этилишини сўраётган шахс учун муқаддам ижтимоий карта муомалага чиқарилган ва фойдаланиш учун тақдим этилганлиги.

Шахс мазкур банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган тоифага кирмаган тақдирда, ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этишга белгиланган тўлов амалга оширилганлиги тегишли тўлов ҳужжатини сўраб олиш йўли билан текширилади, электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилган тўловлар бундан мустасно.

15. Ушбу Низомнинг 12–14-бандларида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилганидан сўнг ариза берувчининг аризаси ва унга алоқадор ҳужжатлар Тизим орқали реал вақт режимида кўриб чиқиш ва ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш мақсадида юборилади.

16. Ушбу Низом 8-бандининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган тартибда берилган аризалар бўйича ушбу Низомнинг 12-14-бандларида назарда тутилган тадбирлар тегишлилиги бўйича ЯИДХП, мобил илова ва молиявий агент томонидан амалга оширилади.

17. Ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича аризаларни расмийлаштиришда, ариза берувчининг ҳақиқий биографик ва биометрик маълумотлари Тизим томонидан автоматик тарзда Электрон ҳукуматнинг Ягона идентификация тизимидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

18. Молиявий агент бевосита ўзи қабул қилган ёки ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ юборилган ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш ҳақидаги мурожаатни бир иш куни ичида кўриб чиқади.

Мурожаатни кўриб чиқишда:

аризада келтирилган маълумотларни Тизим маълумотлари асосида текширади (ички қоидаларга мувофиқ бошқа чораларни кўриши мумкин) ва ушбу маълумотлар мос келган ҳолларда, ижтимоий картани эмиссия қилади;

аризада келтирилган маълумотларни Тизим маълумотлари асосида текшириш натижасида тегишли маълумотлар бир-бирига мос келмаган ҳолларда, ижтимоий картани эмиссия қилиш рад этилади;

мурожаат асосида ижтимоий карта эмиссия қилинганлиги ёки эмиссия қилиш рад этилганлиги тўғрисида Тизим орқали реал вақт режимида “Инсон” марказига электрон хабарнома юборилади ҳамда ариза берувчи унинг аризасида танланган хабарнома юбориш шаклида хабардор қилинади.

19. Мурожаатни кўриб чиқиш якуни бўйича молиявий агент томонидан электрон ижтимоий карта реал вақт режимида эмиссия қилинади.

20. Ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ тақдим этилган ариза асосида банк картаси шаклидаги ижтимоий карта эмиссия қилинганлиги ёки эмиссия қилиш рад этилганлиги тўғрисидаги ариза берувчи унинг аризасида танланган хабарнома юбориш шаклида хабардор қилинади.

21. Ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича аризада телефон рақами кўрсатилмаган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифасига кирувчи ариза берувчилар ушбу Низом 18-бандининг бешинчи хатбошиси ҳамда 20-бандида назарда тутилган ҳолатлар ҳақида ижтимоий ходим орқали хабар қилинади.

Бунда ариза берувчи ушбу Низомнинг 5 ва 8-бандларига мувофиқ ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича қайта мурожаат қилади.

22. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган шахслар ва ушбу Низом 11-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида белгиланган шахсларнинг қонуний вакиллари ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича бевосита молиявий агентга мурожаат қилиши мумкин.

23. Молиявий агент аҳолини ижтимоий қилиш органи билан тузилган шартномада назарда тутилган аҳолининг тоифасига ижтимоий карта эмиссия қилади.

Ижтимоий картанинг белгиланган тартибда ишлаши учун молиявий агент тегишли маълумотлар алмашинувини таъминлаши шарт.

24. Молиявий агент томонидан ушбу Низом 5-бандининг “а” кичик бандида назарда тутилган аҳоли тоифалари номига эмиссия қилинган ижтимоий карталарга хизмат кўрсатиш ушбу шахслар тегишли аҳоли тоифасидан чиққан тақдирда ҳам давом эттирилади.

25. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта эмиссия қилингандан сўнг молиявий агент қуйидагиларни таъминлайди:

молиявий агентнинг бўлинмаларида картани эгасига ёки унинг қонуний вакилига бериш;

ўз ходимлари ёки молиявий агент билан шартнома муносабатлари мавжуд бўлган агентлик хизмати орқали картани етказиб бериш;

ушбу Низомнинг 32-бандида белгиланган ҳолларда ариза берувчиларга кейинчалик бериш учун бундай картани тегишли туман (шаҳар) “Инсон” марказига етказиб бериш.

26. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта молиявий агентнинг бўлинмалари, агентлик хизмати орқали, молиявий агентнинг ходимлари, “Инсон” маркази томонидан етказиб берилганда; ижтимоий карта тақдим этилганлиги махсус мобил қурилма воситасида аутентификация қилинади ва Тизимга бу тўғрисида маълумот киритилади ёки картани олганлиги ижтимоий ҳимоя қилиш органи томонидан тасдиқланган шаклдаги журналга шахсий имзо қўйиш орқали қайд этилади.

27. “Инсон” маркази ёки агентлик хизмати орқали етказиб бериладиган барча банк картаси шаклидаги ижтимоий карталар елимланган конвертда тақдим этилади.

ШИР-код банк картаси шаклидаги ижтимоий карта эгасининг хоҳишига кўра молиявий агент томонидан ёки тўлов тизимларининг қоидаларида назарда тутилган бошқа усулларда ўрнатилади.

28. Муқаддам эмиссия қилинган ижтимоий картани алмаштириш учун шахс ёки унинг қонуний вакили мобил илова орқали ёки “Инсон” маркази ёхуд молиявий агентнинг исталган бўлинмаларига ариза билан мурожаат қилади.

29. Ижтимоий карта эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ёки ижтимоий картага киритилган бошқа маълумотларда ўзгартиришлар ёки ноаниқликлар аниқланса, шахс ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган тартибда ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Агар маълумотлар базасида ижтимоий карта эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ўзгарганлиги ёки ижтимоий картага киритилган бошқа маълумотларда ноаниқликлар аниқланганлиги тўғрисидаги жорий маълумотлар мавжуд бўлса, Тизим ижтимоий картани тегишли ариза қабул қилинмагунча автоматик равишда блоклайди.

Ижтимоий карта эгасининг қайси ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифага тегишли эканлигини тасдиқланмаган ҳолларда, Тизим томонидан ижтимоий карта эгаси тегишли маълумотларни тақдим этгунга қадар автоматик равишда блокланиши мумкин.

Агар банк картаси шаклидаги ижтимоий картада аҳолининг айрим гуруҳлари ва (ёки) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаси кўрсатилган тақдирда ва бундай маълумотлар ўзгарганда, Тизим тегишли ариза келиб тушгунга қадар ижтимоий картани автоматик равишда блоклаши мумкин.

30. Ижтимоий карта янги туғилган чақалоққа унинг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари) ва бошқа қонуний вакилларининг ихтиёрига кўра ушбу бола тўғрисидаги маълумотлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (кейинги ўринларда – ФХДЁ органлари) томонидан рўйхатга олинганидан ва маълумотлар базасида боланинг туғилиши тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлгандан кейин муомалага чиқарилади ва фойдаланиш учун тақдим этилади.

31. “Инсон” маркази ёки молиявий агент томонидан қабул қилинган, яроқсиз бўлган ва эгаси вафот этган банк картаси шаклидаги ижтимоий карта ҳамда янги ижтимоий карта берилган тақдирда, муқаддам берилган банк картаси шаклидаги ижтимоий карта қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилиши керак.

32. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи томонидан белгиланган айрим тоифадаги шахслар “Инсон” марказига мурожаат қилганда, ижтимоий ходим ушбу Низомнинг 5 ва 8-бандларида белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда, шахснинг яшаш жойига бориб ариза тўлдиради ва ўн беш кун ичида банк картаси шаклидаги ижтимоий картани беради.

33. Ариза берувчи уни расмга олишдан бош тортганда, шунингдек, расмга олишда кўзойнак, бош кийим ёки шахсини тасдиқлашга ҳалақит берадиган бошқа кийимда бўлишни хоҳлаганда ижтимоий картани расмийлаштириш ва бериш рад этилади ҳамда масъул шахс томонидан бу тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

34. Вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахснинг ижтимоий картаси махсус мобил қурилмалар ёрдамида унинг қонуний вакилини идентификация қилиш ҳамда қонуний вакилининг боғланган ижтимоий картаси маблағлари доирасида операцияларни амалга ошириш имкониятини таъминлайди.

3-боб. Ижтимоий карта ва мобил иловадан фойдаланиш

35. Ижтимоий карта қуйидаги функцияларни бажаради:

а) банк картаси;
б) транспорт картаси, шу жумладан, имтиёзли транспорт картаси;
в) давлат ижтимоий ҳимоя чораларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

г) шахснинг ушбу Низом 5-банди “а” кичик бандида назарда тутилган ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли тоифасига ёки гуруҳига мансублигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) товарлар (ишлар, хизматлар), дори воситалари ва тиббий хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи суммасини белгиланган тартибда қайтариш банк картаси;

е) протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиш учун ваучер ёки ижтимоий тўловлар ҳисобидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа товарлар (ишлар, хизматлар);

ж) ҳисоб воситаси:

тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган чегирмалар, бонуслар ва бошқа содқлик дастурлари бўйича;

кириш чиптаси операциялари тизими асосида имтиёзли, бепул ёки қисман ҳақ тўлаш асосида тартибга солинган давлат ижтимоий объектларига, концертлар, кўнгилочар томошалар ва бошқа тадбирларга бориш ҳуқуқини тасдиқлаш;

ижтимоий ҳимоя муассасаларига кириш ва чиқиш бўйича.

Ижтимоий карта қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

36. Давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотларининг автоматлаштирилган тизимлари орқали давлат, таълим, тиббий, ижтимоий, банк ва бошқа хизматларни кўрсатишда ижтимоий картага киритилган маълумотлардан унинг эгасининг розилиги билан фойдаланишга йўл қўйилади.

37. Ижтимоий карта фуқароларнинг қуйидаги шахсий маълумотларини қайта ишлашда қўлланилиши мумкин:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадларни тўлашда, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта, тиббий суғурта бўйича давлат ва нодавлат дастурларида назарда тутилган пенсиялар, нафақалар, компенсацияларни тайинлаш ва тўлашда;

солиқлар, йиғимлар, мажбурий ижтимоий суғурта тўловлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлашда;

банклар томонидан банк (карта) ҳисобварағини очишда;

давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари, давлат хизматларини олиш учун мурожаат қилганда ёки уларни олиш жараёнида;

давлат органлари, нотариал идоралар, банклар ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилганда;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

38. Топиб олинган ижтимоий карталар “Инсон” марказига ёки молиявий агентнинг бўлинмаларига қайтарилиши керак.

39. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган, шунингдек, хорижий давлатда доимий яшаш учун бораётган шахс ижтимоий картани охириги доимий яшаш жойидаги “Инсон” марказига ёки хорижда бўлиб турган жойидаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига топшириши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси ва консуллик муассасалари қабул қилиб олинган ижтимоий карталарни аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиш учун юборилади.

40. Мобил илова универсал бўлиб, қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

авторизация қилиш, ариза билан мурожаат қилиш;

ижтимоий карта ва унинг реквизитлари ҳақида маълумот олиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий карта ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлар ёки белгиланган лимит доирасида миллий валютада операцияларни амалга ошириш;

ижтимоий картанинг функцияларини амалга ошириш;

- қарамоғидаги шахсларнинг ижтимоий картасини боғлаш;
- ижтимоий картаси қонуний вакилга боғланган васийликдаги шахснинг маблағларидан фойдаланиш лимитларини белгилаш;
- ижтимоий картанинг тушумлари ва харажатларини мониторинг қилиш;
- электрон хабарномаларни олиш;
- ижтимоий картага боғланган имтиёзларни (баллар, кэшбеклар ва бошқалар) бошқариш, мониторинг қилиш, ҳисобга олиш функциялари юритиш;
- электрон ижтимоий картани бошқариш;
- Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 30 апрелдаги 253-сон қарорига асосан протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтож шахсларга ушбу қарорнинг 6-бандига мувофиқ ваучер ҳажмидаги маблағ ва ушбу маҳсулот ва воситалар қиймати ўртасидаги ижобий фарқнинг 20 фоизи миқдоридаги рағбатлантириш маблағларини олиш;
- давлат хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилиш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органининг “Алоқа маркази”га ижтимоий карта орқали амалга оширилган операциялар, ижтимоий картани блокировка қилиш, техник кўмак олиш ва мобил иловадан фойдаланиш масалаларида телефон, онлайн-чат, электрон почта орқали мурожаат қилиш;
- солиқлар, йиғимлар, жарималар ва бошқа тўловларни тўлаш;
- мобил иловада мавжуд бўлган электрон ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда, нотариал идораларда, ички рейсларни аэропортда рўйхатдан ўтказишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланаётган поездларга чиқишда, давлат хизматларини кўрсатиш ва фуқароларни қабул қилишда тегишли ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинадиган давлат органларида ва бошқа ташкилотларда тақдим этиш;
- тижорат банклари, нотариал идоралар, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий муассасалар (шифоҳона, поликлиника, санаторий, таълим, коммунал ташкилоти, театр, музей, кутубхона, спорт ва аҳоли дам олиш маркази, ҳайвонот боғи, цирк, кинотеатр)нинг маҳсулот ва хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;
- электрон савдо майдончаларига кириш;
- лойиҳа-техник ҳужжатларга мувофиқ бошқа комплекс хизматлар ва функциялардан фойдаланиш.

41. Мобил иловада мавжуд бўлган электрон ҳужжатни тақдим этишда тизим фойдаланувчиси QR-кодни сканерлайди ёки тақдим этилган ҳужжатларни верификациялаш имконини берувчи махсус техник воситалар ёрдамида маълумотларни ўқийди.

4-боб. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органининг ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

42. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Тизим орқали ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этишда зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни бепул олиш;

маълумотлар базасини шакллантириш, юритиш ва ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этишда зарур бўлган маълумотларни ушбу Низомда белгиланган тартибда олиш;

маълумотлар базасидаги маълумотларга ишлов беришда ушбу маълумотларнинг ҳаққонийлигига аниқлик киритиш;

шахсларнинг давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига бўлган ҳуқуқини идентификация қилиш ва текшириш;

ариза берувчидан унинг шахсини идентификация қилиш учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларни электрон шаклда маълумотлар базаларидан олиш имкони бўлмаган тақдирда талаб қилиш;

маълумотлар базасидаги маълумотлар асосида шахснинг (оиланинг) ижтимоий-иқтисодий ҳолати, эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини акс эттирувчи электрон паспортларни шакллантириш;

қайта алоқа орқали шахсларнинг тегишли хизматлардан қониқишини баҳолаш, шу жумладан, давлат ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги ва (ёки) янги жорий этилаётган чора-тадбирлари ҳамда уларни кейинчалик бекор қилиш ёки кенгайтириш бўйича уларнинг фикр-мулоҳазаларини олиш учун технологик имкониятлардан фойдаланиш;

оммавий оферта бекор қилинганда, ижтимоий картадан ушбу Низом талабларига зид равишда фойдаланилганда ҳамда ижтимоий карта бошқа фуқаролар томонидан фойдаланилганда, ижтимоий картани олиб қўйиш, блоклаш ва ўрнатилган тартибда тугатиш;

ижтимоий картадан фойдаланишда айрим операцияларни тақиқлаш ва чеклаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

43. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органининг мажбуриятлари:

Тизимнинг, маълумотлар базасининг нормал ишлашини таъминлаш, ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш ҳамда Тизим ишини ташкил этиш, ижтимоий карталар ва маълумотлар базасини юритиш бўйича тушунтиришлар бериш;

тасдиқланган методика ва тартибга мувофиқ ижтимоий карталарни муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этишда ижтимоий суғурта рақамини белгилаш;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий карталарга маблағларни ўтказишда ёрдам бериш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

ушбу Низомда белгиланган тартибда маълумотлар базасидан маълумотларни тақдим этиш;

фуқаронинг мурожаатига асосан у тўғрисида маълумотлар базасига киритилган маълумотларни тақдим этиш;

давлат органлари ва ташкилотларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан олинган маълумотлар асосида ёки шахс сўровига кўра маълумотлар базасига киритилган маълумотларга ўзгартиришлар киритиш;

ариза берувчиларга ушбу Низомда белгиланган тартибда ижтимоий карта тақдим этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

44. Шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ижтимоий картани олиш;

мобил иловани текин юклаб олиш ва ўрнатиш;

маълумотлар базасига киритилган шахсий маълумотлари билан танишиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш учун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органига мурожаат қилиш;

ижтимоий карта, мобил илова, шахсий кабинетдан фойдаланиш бўйича маслаҳат ва техник ёрдам олиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий карталардан тақиқланмаган маблағларни ва ижтимоий тўлов маблағларини чекловларисиз олиш ва сарфлаш;

оммавий офертага мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

ижтимоий ҳуқуқлар, олинган ижтимоий тўловлар, нафақалар ва ижтимоий кафолатлар тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан, мобил илова орқали олиш;

молиявий агентнинг, “Инсон” марказининг, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш.

Шахс қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

45. Шахснинг мажбуриятлари:

“Инсон” маркази ва молиявий агентга ишончли маълумотлар ва зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

имзоланган оммавий оферта ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ижтимоий карта, мобил илова ва шахсий кабинетдан фойдаланиш;

ижтимоий картанинг бутлигини таъминлаш, суиистеъмол қилиш ва фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича эҳтиёт чораларини кўриш;

ижтимоий картага ҳисобланган ижтимоий тўловлардан мақсадли фойдаланиш ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ижтимоий карта орқали давлат ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир ҳуқуқлардан фойдаланиш.

Шахс зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

5-боб. Тизим ва унинг маълумотлар базаси

46. Тизим аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органининг ушбу Низомнинг 4-бобида назарда тутилган ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиши, шунингдек, маълумотлар базасини бошқариш имконини бериши керак.

47. Маълумотлар базаси шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисидаги, шу жумладан, шахсий, биографик, биометрик, банк, нотариал ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларга оид маълумотларни ўз ичига олган ва улардан фойдаланиш қонун билан чекланган давлат электрон ахборот ресурсидир.

48. Маълумотлар базасининг эгаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи ҳисобланади.

49. Ижтимоий суғурта рақами ягона бўлиб, уни ўзгартириш мумкин эмас, ижтимоий карта олиш учун мурожаат қилинганда, Тизим томонидан фуқарога автоматик тарзда тақдим этилади.

50. Ижтимоий ҳимоя рақамини шакллантириш методологияси ва уни бериш тартиби аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи томонидан белгиланади.

51. Маълумотлар базасини шакллантириш ва долзарблаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги ПҚ–267-сон қарори билан тасдиқланган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимини “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси билан интеграция қилиш орқали маълумот алмашиладиган давлат маълумотлари тўпламлари рўйхатида белгиланган маълумотларни тақдим этишга масъуллар томонидан ушбу Низомнинг 53-банди талабларига мувофиқ амалга оширилади.

52. Маълумотлар базаси ижтимоий картанинг банк идентификация рақами ва шахсларнинг ягона ижтимоий суғурта рақамини, шунингдек, жисмоний шахслар тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

фамилияси, исми ва отасининг исми (мавжуд бўлса);

туғилган кун, ой, йил;

туғилган жойи;

жинси;

миллати (мавжуд бўлса);

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

фуқаролиги;

16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг серияси ва рақами;

16 ёшдан ошган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-картанинг серияси ва рақами;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – Ўзбекистон Республикасида бўлиш мақомини тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси ва рақами;

Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқига эга бўлган ва бундай ҳуқуққа эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасида яшаётган чет эл фуқаролари учун – паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг серияси ва рақами;

ариза берилган “Инсон” маркази, молиявий агент бўлинмаси номи, жойлашган жойи;

аризани тўлдирган ва банк картаси шаклидаги ижтимоий картани фойдаланиш учун тақдим этган “Инсон” маркази, молиявий агенти бўлинма ходимининг фамилияси, исми ва шахсий идентификация рақами;

ижтимоий карта, шу жумладан, банк картаси шаклидаги ижтимоий карта тақдим этилган кун, ой ва йил;

шахс вафот этган тақдирда – вафот этган кун, ой ва йил.

Маълумотлар базасида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар ва ҳужжатлар ҳам бўлиши мумкин.

53. Маълумотлар базасини шакллантириш ва долзарблаштириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш ва қабул қилиш:

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи билан тасдиқланган ёки келишилган технологик йўриқномага мувофиқ;

реал вақт режимида бепул асосда;

Электрон ҳукумат Ягона идентификаторларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

54. Маълумотлар базасини маълумотлар билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминлаш, шунингдек, уларнинг долзарблиги ва ишончлилиги учун шахсий жавобгарлик маълумотлар базаси эгасининг раҳбарлари зиммасига юкланади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

55. Тизимдан шахсий манфаатларни ёки учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб фойдаланган “Инсон” маркази, молиявий агент ходимлари, тизим фойдаланувчилари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

56. “Инсон” маркази, молиявий агент раҳбарлари ва тизим фойдаланувчилари қуйидагилар учун жавобгардир:

тўлов ташкилотига Тизимдан фойдаланиш ва Тизим маълумотлар базасига кириш ҳуқуқини олиш учун буйруқни ўз вақтида тақдим этишга;

Тизим ва унинг маълумотлар базасидан фойдаланишда ўз ходимлари томонидан бажариладиган ҳаракатлар учун.

57. Телекоммуникация хизматларидан фойдаланишда тизим фойдаланувчиси оператор ва (ёки) провайдернинг айби туфайли маълумотлар ва сўровларни жўнатиш (қабул қилиш)даги мумкин бўлган вақтинча узилишлар ва кечикишлар учун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи жавобгар ҳисобланмайди.

58. Ариза берувчилар “Инсон” маркази ва молиявий агенти бўлинмаларига тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Агар ариза мобил илова ёрдамида яратилган бўлса, ариза берувчилар Тизим томонидан танлаш учун таклиф этилган нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этган тақдирда, жавобгарликдан озод қилинади.

59. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

60. Вояга етмаганлар номидан мурожаат қилган шахслар ёки вояга етган ва ижтимоий картани биринчи марта олаётган шахслар ариза ёки сўровда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар бўладилар.

61. Маълумотларнинг эгалари Тизим орқали олинган маълумотларнинг ишончлилиги, тўлиқлиги ва тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг
ижтимоий картаси тўғрисидаги низомга
1-илова

Ижтимоий картага қўйилган талаблар

1. Ижтимоий картанинг намунаси (дизайни):

аҳолининг тегишли гуруҳлари учун бир хил ёки алоҳида белгиланиши мумкин;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органининг буйруғи билан тасдиқланади ва тасдиқланган кундан бошлаб бир ой ичида кучга киради.

2. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта:

халқаро стандартларга мос келадиган босиб чиқариш ва ҳимоя усулларида фойдаланган ҳолда бардошли ва хавфсиз материаллардан тайёрланади;

эгаси ҳақида киритилган маълумотларга эга электрон восита (чип) мавжуд бўлади;

NFC-қисқа масофали симсиз маълумотларни узатиш технологиясини ўз ичига олади;

RFID-технологиясини ўз ичига олади (радио частотали электромагнит нурланишга асосланган объектларни контакtsiz идентификация қилиш, кузатиш ва ҳисобга олиш усули);

катъий ҳисобдаги ҳужжат ҳисобланади.

3. Ижтимоий карта молиявий агент томонидан тасдиқланган намуна бўйича, олд томонида лотин алифбосидаги ўзбек ёки инглиз тилларида, орқа томонида эса лотин алифбосидаги ўзбек тилида, Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий карта олишга мурожаат қилган фуқаронинг хоҳишига кўра лотин алифбосидаги қорақалпоқ ёки ўзбек тилларида персоналлаштирилади.

4. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта бланкасига қуйидаги асосий маълумотлар киритилади:

а) олд томонида:

ижтимоий карта номи ва логотипи;

ижтимоий картанинг банк идентификация рақами;

ҳимоя воситалари;

эгасининг фамилияси, исми – ўзбек ёки инглиз тилларида (20 ҳарфдан ошмаслиги, тиниш ва махсус белгиларсиз. Мисол, махсус белгилари (-), ('), (~), ('), ('), (,) ва бошқалар);

амал қилиш муддати;

тўлов тизими операторининг номи;

б) орқа томонида:

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органининг 24 соатлик хизматининг қисқа рақами;

магнит чизик;

ижтимоий карта эгасининг рақамли фотосурати;

эгасининг фамилияси, исми;

фуқаролик (хорижий фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахс);

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

фамилияси, исми (ўзбек ёки қорақалпоқ тилларида), рақамли фотосурат, жинси, миллати, туғилган жойи, ижтимоий суғурта рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, ижтимоий карта берилган санаси ва ариза берувчи тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўз ичига олган QR-код (матрицали код);

“Baraka” номи;

“Inson qadri uchun” шиори;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органининг номи ва логотипи;

ижтимоий карта эмитент банкининг номи;

ижтимоий картани чиқарувчи эмитент банкнинг қўллаб-қувватлаш хизматининг телефон рақами.

Банк картаси шаклидаги ижтимоий картанинг орқа томонида Интернет жаҳон ахборот тармоғида тўловларни авторизация қилиш учун ишлатиладиган код кўрсатилмайди.

5. Ижтимоий картада унинг эгасининг имзоси бўлиши мумкин (карта эгаси 16 ёшга тўлганидан кейин).

6. Тўлов ташкилоти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи билан келишган ҳолда техник талаблардан келиб чиқиб:

электрон ижтимоий карта бланкини ва унда кўрсатилган маълумотларни;

банк картаси шаклидаги ижтимоий картанинг чипига ижтимоий карта эгаси тўғрисидаги киритиладиган маълумотлар белгилайди.

7. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта чипи электрон рақамли имзо калити сертификатини ўз ичига олиши мумкин (эгаси 16 ёшга тўлгандан кейин).

Бунда электрон рақамли имзо калити сертификати ижтимоий картанинг амал қилиш муддати давомида амал қилади.

Ижтимоий картани муомалага чиқариш, фойдаланишга
тақдим этиш ва эмиссия қилиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ариза берувчи	1. “Инсон” маркази ва молиявий агент орқали мурожаат этганда: аризани тўлдириш жараёнида қатнашади, тегишли маълумотларни тақдим қилади ва фотосуратга тушади; оммавий оферта шартномаси билан танишади ва тасдиқлайди; “Инсон” маркази ходими томонидан тўлдирилган аризани махсус мобил қурилма орқали имзолайди. банк картаси шаклидаги ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланишга тақдим этиш учун тўловни амалга оширади (бепул ижтимоий карта олувчилар бундан мустасно). 2. “Ижтимоий карта” мобил илова орқали мурожаат этганда: мобил иловани юклаб олади; мобил иловани мобил қурилмага ўрнатади; идентификациядан ўтади; оммавий оферта шартномаси билан танишади ва тасдиқлайди; аризани тўлдиради ва махсус мобил қурилма орқали имзолайди; банк картаси шаклидаги ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этишга ариза юборади (заруратга кўра); банк картаси шаклидаги ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича тўловни амалга оширади (бепул ижтимоий карта олувчилар бундан мустасно). 3. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат этганда: идентификациядан ўтади; оммавий оферта шартномаси билан танишади ва тасдиқлайди; аризани тўлдиради; банк картаси шаклидаги ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича тўловни амалга оширади (бепул ижтимоий карта олувчилар бундан мустасно).	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	1. “Инсон” маркази 2. Молиявий агент 3. Мобил илова 4. ЯИДХП	1. “Инсон” марказининг ва молиявий агентнинг масъул ходими: махсус мобил қурилма орқали шахсни идентификация қилади; ариза берувчининг амалда бўлган ижтимоий картага эга эканлигини аниқлайди; ариза берувчининг бепул ижтимоий карта олиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлайди; ариза берувчи номидан аризани тўлдирилади; ариза берувчини рақамли форматда суратга олади; оммавий оферта шартномасини чоп этади, ариза берувчини таништиради, бир нусхасини ариза берувчига тақдим этади; ариза берувчи томонидан ариза ва оммавий оферта шартномаси махсус мобил қурилма орқали имзоланишини таъминлайди ва аризани тегишли молиявий агентга юборади.	30 дақиқа ичида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
		2. Мобил илова ва ЯИДХП орқали: шахс идентификация қилинади; ариза берувчининг амалда бўлган ижтимоий картага эга эканлиги аниқланади; ариза берувчининг бепул ижтимоий карта олиш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланади; ариза берувчи рақамли форматда суратга олинади; оммавий оферта шартномаси шакллантирилади; шакллантирилган ариза ахборот тизими орқали молиявий агентга юборилади.	
3-босқич	Молиявий агент	Ахборот тизимидаги маълумотлар асосида электрон ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш ёки муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этишни рад этади. Банк картаси шаклидаги ижтимоий картани муомалага чиқаради ва фойдаланиш учун тақдим этади (сўровга кўра). Ижтимоий карта очилганлиги бўйича ариза берувчига “Ижтимоий карта” АТ орқали электрон хабарнома юборади. Аҳолининг айрим тоифаларига банк картаси шаклидаги ижтимоий картани эгасига етказиб бериш мақсадида “Инсон” марказига етказди (айрим тоифадаги шахслар учун).	Бир иш куни ичида
4-босқич	1. “Инсон” маркази, 2. Молиявий агент	1. Аҳолининг айрим тоифаларига банк картаси шаклидаги ижтимоий картани карта эгасининг яшаш манзилига етказиб беради. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта етказиб берилганлиги тўғрисидаги маълумотни махсус мобил қурилма воситасида ахборот тизимига киритади. 2. Эмиссия қилинган банк картаси шаклидаги ижтимоий картани ўз ходими ёки агентлик хизмати орқали карта эгасига ёки қонуний вакилга тақдим этади. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта етказиб берилганлиги тўғрисидаги маълумотни махсус мобил қурилма воситасида ахборот тизимига киритади.	Ўн беш кун ичида
5-босқич	Ариза берувчи (қонуний вакили)	1. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта етказиб берилганлиги ҳақида махсус мобил қурилма орқали тасдиқлайди ёки махсус журнални имзолайди. 2. Ижтимоий картага белгиланган тартибда ШИР-кодни ўрнатади. 3. Ижтимоий картадан оммавий оферта шартномаси доирасида фойдаланади. 4. Зарур ҳолларда, ижтимоий картани белгиланган тартибда алмаштиради.	Ижтимоий карта фойдаланиш учун берилганлигида

